

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKA VALYUTA BIRJASI AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО  
“УЗБЕКСКАЯ РЕСПУБЛИКАНСКАЯ  
ВАЛЮТНАЯ БИРЖА”



STOCK COMPANY  
“UZBEK REPUBLICAN CURRENCY  
EXCHANGE”

O'zbekiston Respublikasi, 100084, Toshkent sh., Sh. Rashidov shoh ko'chasi, 4.  
Tel.: (998 71) 238-68-37 Fax: (998 71) 237-61-36.  
WEB-site: [www.uzrvb.uz](http://www.uzrvb.uz) E-mail: [info@uzrvb.uz](mailto:info@uzrvb.uz)

100084, Республика Узбекистан, г. Ташкент,  
проспект Ш. Рашидова, 4

4, Sh. Rashidov avenue, 100084, Tashkent,  
Republic of Uzbekistan.

2018 у. «24» октябрь No 16-17-1116

## Тижорат банкларига

Ўзбекистон республика валюта биржаси (ЎзРВБ) вақтинча бўш пул маблағларини танлов асосида тижорат банкларининг депозит қўйилмаларига жойлаштириш масаласини кўриб чиқишни режалаштирмоқда.

Шу муносабат билан Сиздан қуйидаги талаб ва шартларга мувофиқ тижорат таклифи ҳамда зарур хужжатларни тақдим қилишингизни сўраймиз.

### Хужжатлар:

1) Охирги молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар нусхалари (1- ва 2-сонли шакллар).

2) Кредитга лаёқатлилик рейтинг баҳоси мавжудлигини тасдиқловчи қуйидаги халқаро рейтинг агентликларининг хужжатлари нусхаси:

- Standard & Poor's - В даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор»;

- Moody's – В2 даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор»;

- Fitch Ratings - В даражадан паст бўлмаган, прогноз «барқарор».

3) Жами капитал миқдори тўғрисида маълумот (жами капитал 200 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги керак).

**Вақтинча бўш пул мабалағларини жойлаштириш учун тижорат банкларига қўйиладиган талаблар:**

1) Марказий банк томонидан банкнинг фаолиятини тўхтатиб туришни назарда тутувчи ёки умуман банк бўйича бирон-бир операциялар турини амалга оширишни тақиқловчи санкцияларнинг мавжудмаслиги.

2) Охирги 12 ой давомида, миқдори ва туридан қатъи назар, жалб қилинган депозитлар бўйича 10 кундан ортиқ муддати ўтган тўловларнинг мавжудмаслиги.

3) Тижорат банкининг фаолият юритиш муддати (Марказий банк томонидан рўйхатга олинган санадан эътиборан уч йилдан кам бўлмаган). Рўйхатган олингани тўғрисидаги гувоҳнома ва банк амалиётини амалга ошириш учун лицензия нусхалари тақдим этилади.

**ЎзРВБнинг вақтинча бўш пул маблағларини ишончли жойлаштирилишини таъминлаш учун асосий тамойиллар ва шартлар:**

1. Тижорат банкларининг депозитларига пул маблағларини жойлаштириш қайтариш, тўлаш, ликвидлик ва диверсификация тамойиллари асосида амалга оширилади.

2. Тижорат банкларига пул маблағларини жойлаштиришда асосий шарт мажбуриятлар бўйича ўз вақтида тўловларни амалга ошириш ҳисобланади.

3. ЎзРВБнинг пул маблағлари тижорат банклари депозитларига **12 (ўн икки) ойдан кўп бўлмаган** муддатга жойлаштирилади, агарда тижорат банки юқоридаги талабларга жавоб берса, танлов ўтказмасдан айнан шундай муддатга яна бир бор депозит муддати узайтирилиши мумкин.

4. Депозитлар бўйича фоиз даромадлар тўлови **ҳар ойда** амалга оширилади.

5. Юқорида келтирилган талабларга мос келган ва барча зарур маълумотларни тақдим этган тижорат банкларининг таклифларини саралашда асосий мезон, **таклиф этилаётган фоиз ставкасининг миқдори ҳисобланади.**

Танловда иштирок этиш истаги бўлган тижорат банклари 2018 йил 26 октябрь муддатга қадар (соат 15.00 гача) **танлов таклифларини муҳрланган конвертда тақдим этишлари шарт.** Кўрсатилган муддатдан кечикиб келган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Алоқа учун телефонлар: (998 71) 238 68 37, 238 68 76.

Факс: (998 71) 237 61 36.

E-mail: [info@uzrzb.uz](mailto:info@uzrzb.uz)

Бош директор ўринбосари

Б.З. Исраилов